

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2025 ЙИЛ — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2025 йил 27 сентябрь, № 200 (9095) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК, ИНВЕСТИЦИЯ ВА ЭКСПОРТ БЎЙИЧА ИШЛАРНИНГ БОРИШИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида 26 сентябрь куни ҳудудларда пахта ҳосили йиғими, куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолати, инвестиция ва экспорт кўрсаткичлари ижроси ҳамда «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишлар таҳлили юзасидан кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда ҳудудлар кесимида пахта йиғими суръатлари ва мавжуд муаммолар атрофлича кўриб чиқилди.

Бу йил 875 минг гектар майдонга чигит экилиб, 3,7 миллион тонна ҳосил учун шартномалар тузилган. Терим жараёнларига 900 дан ортиқ машиналар жалб этилди, фермерларга ёнилғи ва ўғит арзонлаштирилган тартибда берилди.

Шу билан бирга, айрим ҳудудларда режадан орқада қолиш ҳолатлари кузатилмоқда. Масалан, Сурхондарё, Хоразм, Фарғона ва Андижон вилоятлари яхши натижа кўрсатаётган бўлса, Самарқанд, Сирдарё ва Навоийда ҳолат қониқарсиз.

Президентимиз қисқа вақт ичида жойларда фавқулодда штаблар тузиб, ҳосилни сифатли йиғиб олиш, фермерларни ўйлантираётган масалаларни тезкор ҳал этиб бориш бўйича кўрсатмалар берди. Масъулларга терилган пахта учун ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш топширилди.

Йиғилишда куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолати ҳам кўриб чиқилди.

Республика бўйича 640 та мактаб ва боғчадан 125 тасида таъмирлаш ишлари ҳали якунланмаган. 9,8 минг кўп қаватли уйнинг қарийб мингтаси тайёр эмас. Жиззах ва Сурхондарёдаги қозонхоналар таъмири ҳам охиригача етказилмаган.

Давлатимиз раҳбари икки ҳафта ичида бу масалаларни ҳал этиш, нимстанция, электр ва сув тармоқларини мавсумга шай ҳолатга келтириш зарурлигини қайд этди.

Шунингдек, бугунги кунда аҳолига 55 минг тонна, шундан 381 та олис қишлоқ ва овулларга 9 минг тонна маҳаллий кўмир етказиб берилган. Аҳолига омборлардаги 27 минг тонна тарқатилмай қолган кўмирни ҳамда куз-қиш мавсумида истеъмолчиларга 330 минг тонна суюлтирилган газни тўлиқ етказиш топширилди. Газ ва электр таъминотида узилишларга йўл қўймаслик учун мутасаддилар шахсан жавобгар экани кўрсатиб ўтилди.

“Яшил макон” дастурининг ижроси муҳокама қилинар экан, бу йил баҳорда экилган 137 миллион кўчатнинг 27,5 миллиони қуриб қолгани танқид қилинди. Сабаби — баҳор ва ёз ўртасида иссиқ кунлар тез келиб қолиши оқибатида экилган кўчатлар унишга улгурмаяпти, уларга одатдагидан 2-3 баробар кўп сув сарфлашга тўғри келмоқда.

Шу муносабат билан дарахтни кузда экишни кўпайтириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Бу йилги куз мавсумида 125 миллион туп дарахт ва бута, баҳорда яна 75 миллионта экиш режалаштирилди. Бунда суғориш тизими ва имконияти йўқ жойларга кўчат экмаслик талаб қилиб қўйилди.

Урбанизация жараёни тезлашиб бораётгани шаҳарлар ва вилоят марказларида яшиллик даражасини оширишни тақозо этмоқда. Шаҳарларни “яшил” стандартларга мувофиқ илмий асосда ривожлантириш мақсадида олимлар, урбанистлар ва экологлар иштирокида Тошкент ва Нукус шаҳарлари, барча вилоят марказларининг “яшил” мастер режалари ишлаб чиқилиши белгиланди.

Жорий йил учинчи чораги якуни билан мамлакатимизга жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми 33,5 миллиард долларга етиши кутилмоқда. Январь — август ойларида экспорт 23 миллиард долларни ташкил этиб, ўтган йилдагига нисбатан 31 фоизга кўпайди.

Лекин инвестиция ўсиши барча ҳудудларда ҳам бирдек эмас. Айрим ҳудудларда эса экспорт кўрсаткичлари пасайган. Президент мутасаддилардан йил якунигача 7,3 миллиард доллар қўшимча экспортни таъминлаш, сармояларни жалб қилиш ва янги бозорларга чиқиш бўйича аниқ чоралар кўришни талаб қилди.

АҚШ штатлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилиши белгиланди. Ҳар бир вилоят муайян штат билан ҳамкорлик ўрнатиб, маҳаллий тадбиркорлар ва хорижий шериклар ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни кенгайтиришига кўмаклашиш зарурлиги қайд этилди.

Йиғилиш якунида Президент барча йўналишларда белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва тўлиқ бажариш бўйича кўрсатмалар берди.

ЎзА.

ПРЕЗИДЕНТ ДИПЛОМАТИЯСИ:

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 80-юбилей сессиясидаги иштироки мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи юксак босқичга кўтарилиб бораётганлигини яққол намоён этувчи муҳим воқелик бўлди.

Муносабат

Нуриддин ИСМОИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери.

Ушбу ташриф чоғида олий даражадаги делегациямиз БМТ Бош Ассамблеясидаги умумий мунозараларда иштирок этиш билангина чекланиб қолмасдан, давлатимиз раҳбарининг оқилона ва узоқни кўзлаган ташқи сиёсатини ўзида мужассам этган кенг қамровли ҳамда пухта ўйланган стратегияни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратди.

Мамлакатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеясидаги нутқи эса кўплаб сиёсатчилар, олимлар, иқтисодчилар, жамоат арбоблари ва экспертларнинг эътирофига сазовор бўлди. Чунки Президентимизнинг нутқи ҳам маҳаллий, ҳам минтақавий, ҳам глобал муаммоларни ҳал қилишга қаратилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон делегациясининг БМТ Бош Ассамблеясидаги иштироки мавзусида эълон қилинган материаллар шарҳи мамлакатимизнинг узоқни кўзлаган ва оқилона сиёсати кенг қўллаб-қувватланаётганлигини кўрсатмоқда.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг жаҳон ҳамжамиятини инсоният манфаатидан келиб чиққан ҳолда умумий мақсадлар йўлида бирлаштириш, жаҳон халқларининг бир-бирини ўзаро ҳурмат қилишга йўналтирилган конструктив таклиф ва ташаббуслари таҳсинга лойиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг БМТ Бош Ассамблеяси сессияларидаги иштироки ўзининг бой тарихи ва анъаналарига эга. Долзарб ва муҳим аҳамият касб этган масалалар юзасидан Президентимиз томонидан илгари сурилган ташаббуслар унинг изчил ва самарали сиёсати туфайли рўёбга чиқарилмоқда. Энг муҳими, бу ғояларнинг натижаси халқимиз турмуш тарзида ҳам ўз аксини топмоқда.

Жумладан, тарихга назар ташласак, 2017 йилда Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида *“Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон ушбу минтақа барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши қўшничилик ҳудудига айланишидан бевосита манфаатдордир. Тинч-осойишта, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган Марказий Осиё — биз интиладиган энг муҳим мақсад ва асосий вазифадир. Ўзбекистон ўзаро мулоқот, амалий ҳамкорлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдоридир. Биз Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳеч истисносиз барча масалалар бўйича оқилона муроса асосида ҳамкорлик қилишга тайёрмиз”,* дея таъкидлаган эди.

Бугунга келиб Марказий Осиё беқарорлик зонасидан барқарор ривожланиш ва шериклик минтақасига айланди. Минтақа давлатлари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик, халқлар ўртасида эса яхши қўшничилик ва ўзаро ҳурмат ришталари ўрнатилди. Марказий Осиёнинг халқаро майдондаги роли тубдан ўзгариб, у халқаро муносабатларнинг фаол иштирокчисига айланиб бормоқда.

> *“Долзарб ва муҳим аҳамиятга эга масалалар юзасидан Президентимиз томонидан илгари сурилган ташаббуслар унинг изчил ва самарали сиёсати туфайли рўёбга чиқарилмоқда. Энг муҳими, бу ғояларнинг натижаси халқимиз турмуш тарзида ўз аксини топмоқда.”*

БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида давлатимиз раҳбари Самарқанд шаҳрида Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги, Тошкентда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ташкил этилаётганлиги ҳақида ҳам маълум қилган эди.

Давлат раҳбари ташаббуси билан ҳар икки мажмуа ишга туширилиб, бугун нафақат Ўзбекистонда, балки халқаро миқёсда буюк тарихимизни акс эттирувчи илмий-маърифий марказга айланмоқда.

2

АЙРИМ МАМЛАКАТЛАРДАГИ ЭЛЧИХОНАЛАРИМИЗ ФАОЛИЯТИ САРҲИСОБИ



Олий Мажлис Сенати Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитасининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Ҳисобот

Унда сенаторлар томонидан Ўзбекистоннинг Қирғизистон ва Туркманистондаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди.

Таъкидланганидек, элчихоналар ўз фаолиятини икки томонлама муносабатларни ривожлантириш, олий ва юқори даражадаги ташрифлар доирасида қабул қилинган “йўл хариталари”ни ижро этиш, инвестицияларни жалб қилиш, миллий маҳсулотлар экспортини ҳамда хорижий туристларнинг мамлакатимизга қизиқишини ошириш, ҳудудлараро ҳамкорликни кенгайтириш каби йўналишларда олиб бормоқда.

Сўнгги йилларда Марказий Осиё тинчлик, яхши қўшничилик, шериклик ва барқарор тараққиёт минтақасига айлангани қайд этилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 80-сессиясида илгари сурган минтақавий шериклик ва иқтисодий интеграцияни янада ривожлантириш бўйича ташаббусларини ҳаётга татбиқ қилиш муҳимлигига алоҳида урғу қаратилди.

Эшитувда қўшни мамлакатлар билан ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатлик алоқаларини, савдо-иқтисодий, кооперация, транспорт-логистика, туризм, маданий ҳамкорликни янада ривожлантириш устувор вазифа экани таъкидланди.

Шу билан бирга, парламентлараро, ҳудудлараро ва халқ дипломатиясини, айниқса, чегарадош вилоятлар ва туманларнинг иқтисодий ва маданий ҳамкорлигини, шунингдек, маҳаллий Кенгашлар ўртасида алоқаларни янада фаоллаштириш лозимлиги қайд этилди. Зеро, дипломатик ваколатхоналар фаолияти самарадорлигини оширишда бундай ўзаро ҳамкорликларни фаоллаштириш муҳим ўрин тутиши алоҳида қайд этилди.

Мажлис якунлари бўйича қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ҚЎШМА ДАСТУРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШГА КЕЛИШИЛДИ

Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари Германиянинг Шимолий Рейн-Вестфалияда фаолият юритувчи “Junge Union NRW” ёшлар ташкилоти вакиллари билан онлайн форматда учрашув ўтказди.

Учрашув

Унда ёшлар сиёсати, демократик институтлар, фуқаролик таълими, рақамлаштириш, “яшил” энергетика, шаҳарларни барқарор ривожлантириш ва халқаро ҳамкорлик масалалари хусусида фикр алмашилди.

Маълумки, “Junge Union NRW” Германиядаги энг йирик ёшлар ташкилотларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда унинг 23 мингдан ортиқ аъзолари бўлиб, асосий фаолияти ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш ва янги ташаббусларни илгари суришга қаратилган.

Мулоқот давомида ёшларнинг сиёсий жараёнлардаги иштироки ва халқаро майдонда фаол бўлиши муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Хусусан, Ёшлар парламенти раиси Лайло Аслонова Ўзбекистон ёшлари учун халқаро тажрибани ўрганиш, қўшма ташаббуслар орқали дунёқарашини кенгайтириш ва янги имкониятлар яратиш долзарб эканини таъкидлаб ўтди.

Томонлар ёшлар алмашинуви дастурлари, инновацион ташаббуслар ва ёшлар орасида фуқаролик онгини ривожлантиришга қаратилган қўшма дастурларни амалга оширишга келишиб олди.

ЎЗАРО ВА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Кеча Ҳудудий вакиллик органлари фаолиятини ўрганиш маркази томонидан “Маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро ва халқаро ҳамкорлигининг аҳамияти” мавзуида онлайн семинар ташкил қилинди.

Семинар

Тадбирда маҳаллий Кенгашлар котибиятлари ходимлари, доимий комиссиялар раислари ва аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Семинарда қатнашганлар маҳаллий Кенгашлар фаолияти самарадорлигини ошириш, уларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва халқаро алоқаларини йўлга қўйиш масалалари юзасидан фикр алмашди.

Маълумки, Сенатнинг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси томонидан махсус режа-жадваллар тасдиқланган. Уларга мувофиқ, 2024 йилда 310 нафар, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида эса 280 нафар депутат тажриба алмашиш жараёнларида иштирок этган.

Шунингдек, маҳаллий Кенгашларнинг хорижий давлатлар вакиллик органлари билан алоқалари ҳамда улардан келиб тушаётган ҳамкорлик таклифлари ҳақида маълумот берилди. Жумладан, Марказий Осиё давлатлари, Жанубий Корея, Хитой, Туркия, Россия ва Беларусь вакиллик органлари билан ҳамкорлик муносабатлари йўлга қўйилаётгани таъкидланди.

Семинар якунида маҳаллий Кенгаш депутатлари ўз фикр ва таклифларини билдириб, ўзларини қизиқтирган саволларига батафсил жавоб олди.

«Халқ сўзи».

Президент ташаббуслари — ёшлар нигоҳида

ДАВЛАТИМИЗ ҲАМЖИҲАТЛИК, ОЧИҚ МУЛОҚОТ ВА ЯҚИН ШЕРИКЛИК ТАРАФДОРИ

Шу кунларда дунё эътибори Нью-Йорк шаҳрида ўтказилаётган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг юбилей анжумани — 80-сессиясига қаратилган. Бу галги анжуманнинг алоҳида аҳамияти шундаки, у дунё халқларини тинчлик, барқарорлик ва ўзаро ҳамжиҳатликка қатъий даъват қилишга бағишланди. Айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг АҚШга ташрифи ва ушбу нуфузли анжумандаги нутқи жаҳон ҳамжамияти томонидан катта қизиқиш билан қарши олинди. Бу, ўз навбатида, юртдошларимиз, айниқса, ёшларда юксак фахр туйғусини уйғотди. Нутқда илгари сурилган таклиф ва ташаббуслар том маънода янги Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлардаги ўрни ва роли тобора юксалиб бораётганидан далолат беради.

Мухбиримиз Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузурида фаолият олиб бораётган “Шарқшунос таҳлилчилар” интеллектуал клуби аъзоларининг фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.

3-саҳифага қаранг.

ЎЗБЕКИСТОН ВА АҚШ МУНОСАБАТЛАРИ ЯНГИ БОСҚИЧДА

Нью-Йорк шаҳридан бутун жаҳонга таралган ижобий энергия, янгиланиш, ҳамжиҳатлик ва адолат даъвати, биз, ўзбекистонликлар қалбида чуқур ифтихор уйғотди. Дунё назари тикилган юксак минбар — БМТ Бош Ассамблеясида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тинчлик, тараққиёт ва инсон қадри улуғланган мурожаати нафақат юртимизда, балки халқаро ҳамжамиятда ҳам катта эътироф топмоқда.



Мушоҳада

Глобал миқёсдаги ташаббускорлик салоҳияти

Бу нутқ — бугунги замон таҳдидларини ҳис қилган, жаҳон тинчлиги ва барқарорлиги учун жавобгарликни ўз елкасида ҳис этаётган янги Ўзбекистон сиймосини гавдалантирди. Бу овоз — юрт тақдири учун юраги билан яшайдиган, фидойи раҳбарнинг сўзи эди.

Охирги йилларда Ўзбекистон ташқи сиёсатида фаоллик ва мувозанатли ёндашувлар кузатилмоқда. Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимиз ўзининг географик жойлашуви, инсон ресурслари ва иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб, глобал мулоқот ва ҳамкорликда фаол иштирок этмоқда.

Ҳозирги даврда дунёдаги барча давлатлар ташқи сиёсатида глобаллашув, яъни интеграция жараёнлари давом этаётир ва буни Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Бунда сиёсий, иқтисодий, маданий, таълим, технология, илм-фан йўналишлари устувор ҳисобланиб, аввало, ривожланган давлатлар билан муносабатларни янада мустаҳкамлаш муҳимдир.

Бугунги кунда Ўзбекистон — АҚШ муносабатларидаги ҳамкорлик деярли барча йўналишни қамраб олди. Хусусан, ислоҳотлар ва инвестицияларни жалб қилиш, энергетика, савдо ҳамда экспорт имкониятларини кенгайтириш ва бошқалар.

2

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2025 йил 27 сентябрь

ПРЕЗИДЕНТ ДИПЛОМАТИЯСИ:

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

1 БМТ Бош Ассамблеясининг 80-юбилей сессиясида Президентимиз томонидан илгари сурилган ташаббусларнинг теранлиги ва кўламдорлиги, хусусан, уларнинг адолатли технологик тараққиётдан тортиб, то иқлим барқарорлигигача бўлган энг долзарб масалаларни қамраб олганлиги Юртбошимизнинг барча муаммоларни тўлақонли кўра билишдек ноёб қобилиятини, уларни БМТ шафелигида ҳал этишнинг аниқ йўллари бўйича таклифлари эса ушбу нуфузли ташкилотнинг марказий ролини мустаҳкамлашга бўлган интилишларини яққол намоён этди.

Президентимизнинг БМТ олий минбаридан туриб, мамлакатимиз келажаги ва бўлажак авлодлар тақдири борасида ғамхўрлик билан билдирган фикрлари алоҳида таҳсинга сазовордир. Унинг ёшлар сиёсати, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги ташаббуслари давлатнинг энг юқори даражадаги масъулияти намунасини намойиш этиб, хавфсиз ва фаровон дунё учун мустаҳкам пойдевор яратишга хизмат қилади.

Ташриф нафақат салмоқли сиёсий баёнотлар, балки юқори даражадаги амалий ва прагматик аҳамияти билан ҳам ёдда қолди. Бу Президентимиз иш услубининг ўзига хос хусусиятидир.

АҚШ Президенти Дональд Трамп билан бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистон — АҚШ муносабатларини стратегик шериклик даражасига кўтариш бўйича келишувларга эришилди.

Бу Ўзбекистонга энг илғор технологиялар, янги бозорлар учун ва дунёнинг етакчи давлати томонидан қўллаб-қувватланишни кучайтириш учун кенг йўл очади.

“Blackrock”, “Boeing”, “Citigroup”, “Nasdaq” каби кўплаб молиявий ва саноат гигантлари раҳбарлари билан бўлиб ўтган музокаралар шунчаки расмиятчилик учун бўлмай, катта ва салмоқли амалий аҳамиятга эгадир. Фойдали қазилмаларни қазиб олиш, авиация, энергетика ва кимё саноати соҳаларидаги келишувлар — Ўзбекистон фуқаролари учун реал инвестициялар, янги технологиялар ва минглаб юқори технологияли иш ўринлари демак.

Бундай келишувларнинг ҳар бири “Янги Ўзбекистон” стратегиясини амалга оширишга қўшилган муҳим ҳисса бўлиб хизмат қилади.

Ташриф давомида қатор давлатлар етакчилари, халқаро молия институтлари раҳбарлари билан ҳам самарали учрашувлар ўтказилди.

> *“Ўзбекистон парламенти Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташқи сиёсий йўлини тўлиқ қўллаб-қувватлаган ҳолда эришилган келишувларни амалга оширишда парламентнинг таъсирчан иштирокини таъминлаш учун барча зарур чора-тадбирларни кўради. Биз Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлашга ва халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилувчи ушбу ташрифнинг тарихий ютуқларини ҳаётга татбиқ этиш учун барча имкониятларни сафарбар этишга қатъий аҳд қилганмиз.”*

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг АҚШга ташрифи самарали ва оқилона ташқи сиёсатимиз намунаси бўлди. У мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини янада оширди ҳамда мустаҳкамлади.

Энг муҳими, БМТ Бош Ассамблеяси доирасида Ўзбекистон глобал муаммоларни ҳал этишда муҳим роль ўйнай оладиган мамлакатлардан бири эканлиги яна бир карра исботланди.

Бўлиб ўтган мулоқотлар Ўзбекистоннинг дунёдаги кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар ҳамда тузилмалар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатиш, унинг йўналишларини излаб топиш қобилиятини намоён этди.

Халққа миллатнинг асосий бойлиги сифатида чуқур ғамхўрлик кўрсатиш Президентимиз фаолиятининг бош мезонидир. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг АҚШда таҳсил олаётган ватандошларимиз билан учрашуви алоҳида эътиборга молик. Бу учрашув Ўзбекистон етакчисининг хориждаги ватандошларимизга, шу жумладан, ёшларга кўрсатаётган юксак эътибори ва ғамхўрлигининг, шунингдек, давлатимиз томонидан ёшларга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун етарли даражада шарт-шароитлар ва имкониятлар яратилаётганлигининг яна бир амалий тасдиғидир.

Парламентимиз, бутун депутатлар корпуси мамлакатимиз раҳбарининг тинчликпарварлик ва бунёдкорлик сиёсатини юксак фахр билан қўллаб-қувватламоқда ҳамда эътироф этмоқда.

Президентимиз ташрифининг якунлари парламент фаолиятида бир қатор янги, долзарб йўналишларни очиб беради. Аввало, эришилган келишувларни амалга оширишга қаратилган қонун ҳужжатлари туркумини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ташаббуси билан чиқиш ҳамда буни тезлаштириш долзарб вазифамиздир.

Бундай қонун ҳужжатлари хорижий инвестициялар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, трансмиллий корпорациялар учун ҳуқуқий кафолатлар бериш ҳамда фойдали қазилмалар қазиб олиш, авиация ва “яшил” энергетика соҳаларидаги халқаро стандартларни мослаштириш тўғрисидаги қонунларни ўз ичига олади.

Бундан ташқари, глобаллашув тамойилига эга бўлган жараёнларнинг, масалан, рақамлаштириш, хавфсизликни таъминлаш, экологик муаммолар каби жараёнларнинг миллий ҳуқуқий асосларини фаол тарзда ривожлантириш зарур. Келгусида ушбу ҳуқуқий асосларнинг қоидаларини ишлаб чиқилаётган халқаро тартибга солувчи ҳужжатларга киритиш, Ўзбекистоннинг давлатлар ва халқлар ўртасидаги янги конструктив глобал ҳамкорлик асосларини яратишга қўшадиган ҳиссасини ошириш мақсадга мувофиқдир.

Келгуси йил учун Давлат бюджети лойиҳаси парламентда кўриб чиқилиши лозимлигини ҳисобга олган ҳолда республика бюджетида мақсадли маблағларни белгилаш масалаларини ишлаб чиқиш ҳамда Президентимиз ташрифи давомида қабул қилинган ҳужжатлар билан амалга оширилиши назарда тутилган энг муҳим инфратузилмавий лойиҳаларни рўёбга чиқариш учун самарали механизмлар яратиш муҳим вазифага айланмоқда. Парламентимиз ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиши, давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган устуворликларга эришилиши устидан таъсирчан парламент назоратини таъминлаши керак бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг ташрифи якунлари кенг кўламли бўлиб, мамлакатимиз ва жамиятимизни фаол ривожлантириш учун янги имкониятлар очади. Ўзбекистон парламенти Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташқи сиёсий йўлини тўлиқ қўллаб-қувватлаган ҳолда эришилган келишувларни амалга оширишда парламентнинг таъсирчан иштирокини таъминлаш учун барча зарур чора-тадбирларни кўради. Биз Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлашга ва халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилувчи ушбу ташрифнинг тарихий ютуқларини ҳаётга татбиқ этиш учун барча имкониятларни сафарбар этишга қатъий аҳд қилганмиз.



НАВҚИРОН АВЛОД — КУЧ-ҒАЙРАТ ТИМСОЛИ ВА ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 80-сессиясида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг нутқи мамлакатимиз учун ҳам, ёшларимиз учун ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлди. Давлатимиз раҳбари жаҳон ҳамжамияти олдида тинчлик, барқарор тараққиёт, таълим, соғлиқни сақлаш ва гендер тенглик каби масалаларга аниқ таклиф ҳамда ташаббуслар билан чиқди.

Айнан ёшлар билан боғлиқ масалаларга Президентимиз алоҳида тўхталиб, уларнинг дунё тақдиридаги ўрнини белгилаб берди. “Эртанги кунимиз, дунёнинг тақдири ва фаровонлиги ўсиб келаётган ёш авлод қўлида”, деган сўзлар ҳар биримиз учун масъулият ва илҳом манбаи бўлди.

Шу нуқтаи назардан, Президентимиз ташаббуси билан “Жаҳон ёшларининг тинчлик сари ҳаракати”ни таъсис этиш ва унинг қароргоҳини мамлакатимизда жойлаштириш ғояси нафақат миллий, балки глобал даражада ҳам ёшларга қаратилган беқиёс ташаббусдир. Бу ғоя дунё ёшларини тинчлик, инсонпарварлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик руҳида бирлаштириш учун кучли платформага айланиши, шубҳасиз.

Бундан ташқари, таълим соҳасида илгари сурилган таклифлар ҳам жаҳон ёшлари учун катта имконият эшигини очади. Жумладан, ўқитувчиларнинг тажриба алмашиши учун халқаро платформа яратиш ва Ўзбекистонда Бутунжаҳон профессионал таълим саммитини ўтказиш ғояси ёшларнинг замонавий билим олиши ва рақобатбардош авлод сифатида камол топиши учун мустаҳкам замин бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг нутқида янграган ғоялар бугунги ва эртанги кун ёшларининг интилиш ва мақсадлари билан ҳамоҳанг.

Ёшлар — тинчлик элчиси, янгиланишнинг куч-ғайрати ва тараққиётнинг асосий кафолати. Биз ўз фаолиятимизда давлатимиз раҳбарининг БМТ минбаридан илгари сурган ғояларини ҳаётга татбиқ этишга, жаҳон ёшлари билан ҳамжиҳатликда фаолият олиб боришга тайёрмиз.

Президентимиз таклиф этган ташаббуслар орқали Ўзбекистон ёшлари нафақат миллий, балки глобал майдонда ҳам тинчлик ва тараққиёт элчисига айланишига ишончимиз комил.

Авазбек АРАББОЕВ,
Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси.

Бош мақсад:

ИНСОН ҚАДРИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбарида Ўзбекистон овози бешинчи бор янгради. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 80-сессиясида сўзга чиқиб, Ўзбекистоннинг очиқ ва прагматик сиёсати, глобал ҳамда минтақавий хавфсизлик, барқарор ривожланиш бўйича навбатдаги таклиф ва ташаббусларни илгари сургани билан муҳим аҳамият касб этди.

Таъкидлаш лозим, Ўзбекистоннинг БМТ билан ҳамкорлиги юксак даражада ривожланган бўлиб, бунинг исботини ўтган йиллар давомида мамлакатимиз томонидан умуминсоний қадриятларга асосланган 13 та резолюция Бош Ассамблеяда бир овоздан қабул қилинганида ҳам кўриш мумкин. Юртимизда ташкилотнинг 160 дан ортиқ дастур ва лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Яқин орада беш йилга мўлжалланган янги икки томонлама ҳамкорлик дастури имзоланиши кутиляпти.

Давлатимиз раҳбари юбилей сессиядаги чиқишида халқаро ҳамжамиятни Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш мақсадларига ҳамоҳанг амалга оширилаётган ортга қайтмас изчил ислоҳотлари билан таништириб, ундан кўзланган бош мақсад — мамлакатимизда яшаётган ҳар бир оила, ҳар бир фуқаронинг ҳаётини тубдан ўзгартириш, инсон қадри ва фаровонлигини оширишга қаратилганини таъкидлади.

Ҳақиқатан ҳам, сўнгги йилларда “Инсон қадри учун” тамойилига асосланган ислоҳотлар натижаси халқимизнинг кундалик ҳаётида ўз аксини кўрсатмоқда. Фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, даромадли иш ўринлари ташкил этиш ва бу орқали турмуш шароитини яхшилашга қаратилган ўзгаришлар кириб бормаган ҳудуд, оила қолмади ҳисоб.

Фаол инвестиция сиёсати туфайли шу йилнинг ўзида 35 млрд. доллар сармоя эвазига 9 мингдан ортиқ янги корхоналар, 300 мингга яқин юқори даромадли иш ўринлари ташкил этилмоқда. Умуман олганда, давлат харажатларининг 70 фоиздан ортиғи айнан Барқарор ривожланиш мақсадларига сарфланмоқда ва 2030 йилга бориб камбағалликка тўлиқ барҳам беришга эришиш мақсади мужассам. Бунинг учун имконият ҳам, салоҳият ҳам етарли.

Албатта, бу муваффақиятлар ортида таълимга, илм-фан тараққиётига эътибор кўлами қарор топган.

Давлатимиз раҳбари ҳам ўз нутқида ушбу масалага тўхталиб, мамлакатимизда мактабгача таълим қамровининг 27 фоиздан 78 фоизга ошгани, олий-гоҳларга қамров эса 9 фоиздан 42 фоизга етгани, энг асосийси, ўқитувчи ва устозлик касбининг обрўси, нуфузини кескин оширишга ҳал қилувчи масала сифатида қаралаётганини қайд этди. Ана шулардан келиб чиқиб, педагогларнинг ўзаро тажриба ва билим алмашиши учун ягона халқаро платформани яратиш мақсадида Ўзбекистонда Бутунжаҳон профессионал таълим саммитини ўтказиш таклифи илгари сурилди.

Президентимиз сўзининг якунида янги Ўзбекистон барча давлатлар билан ўзаро ҳамжиҳатлик, очиқ мулоқот ва яқин шериклик тарафдори эканини таъкидлаб, халқлар, маданиятлар ва цивилизациялар ўртасидаги мулоқотни мустаҳкамлаш, умумбашарий мақсадларни рўёбга чиқариш йўлида ўз ҳиссасини қўшишга доим тайёрлигини билдирди. Зеро, давлатларнинг бир-бирини ўзаро тушуниши ва бирдамлиги бугун издан чиқаётган халқаро миқёсда тинчлик ҳамда барқарорликни таъминлашнинг муҳим кафолатидир.

Отабек ЖИЯНБОЕВ,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати.



ЎЗБЕКИСТОН ВА АҚШ МУНОСАБАТЛАРИ ЯНГИ БОСҚИЧДА

1 Таъкидлаш жоизки, АҚШ — дунёдаги энг йирик иқтисодий, технологик ва сиёсий кучлардан бири бўлиб, у билан ҳамкорликни кучайтириш Ўзбекистон учун катта имкониятлар эшигини очади. Мазкур давлат билан яқин алоқалар — илғор технологиялар, инвестициялар, таълим, соғлиқни сақлаш ва хавфсизлик соҳаларида тараққиётга эришиш, глобал бозорлар ҳамда халқаро сиёсий майдонда фаол иштирок этиш имконини беради. Бу ҳамкорлик халқимиз фаровонлигини ошириш ҳамда мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринни эгаллашига хизмат қилади.

Бугунги кунда Марказий Осиёда ўзаро савдо, сармоя ва инфратузилма лойиҳаларининг ҳажми беш баробарга кўпайган бўлса, бу жараённинг марказида айнан Ўзбекистон турганини бемалол айтиш мумкин. Чегара ҳудудларида савдо-саноат зоналари ташкил этилмоқда, транспорт йўлаклари барпо қилинаётир, “яшил” технологиялар ҳамда экологик ташаббуслар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

БМТ доирасида таклиф этилган форумлар ва резолюциялар Ўзбекистоннинг нафақат минтақавий, балки глобал миқёсдаги ташаббускорлик салоҳияти ортаётганини кўрсатмоқда. “EKOSOS”, “YUNKTAD”, “YUNIDO” каби халқаро тузилмалар билан ҳамкорликда илгари сурилаётган лойиҳалар бутун Марказий Осиёнинг иқтисодий тараққиёти ва экологик барқарорлиги учун муҳим қадамдир.

Шунингдек, Ўзбекистон ташқи сиёсатида глобал хавфсизлик ва барқарорлик масалаларига бефарқ эмаслигини амалда кўрсатмоқда. Афғонистондаги вазиятга доир билдирилган қатъий позиция, ушбу давлатда иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишга тайёрлик ва халқаро ҳамжамиятни бу муаммога эътибор қаратишга чақириш — Ўзбекистоннинг геосиёсий масъулиятни чуқур ҳис этаётганидан далолат.



Шу билан бирга, Фазо секторидаги кескин гуманитар инқирозга доир чақириқлар, ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш, сиёсий музокараларга қайтиш таклифи — мамлакатимизнинг тинчликсевар, дипломатик ёндашувга содиқ эканлигини яна бир бор исботлади.

Бугун Ўзбекистон нафақат ўзининг миллий манфаатларини ҳимоя қилаётган, балки бутун минтақавий ва глобал барқарорликка ўз ҳиссасини қўшаётган, масъул ҳамда фаол давлат сифатида халқаро майдонда тан олинмоқда. Мамлакатимизнинг ўрни — ўртада эмас, марказда, бу марказ эса тобора кенгайиб, бутун жаҳонга тинчлик ва тараққиёт руҳи билан юз тутмоқда.

Президентимиз нутқининг ҳар бир жиҳати — халқпарварлик ва инсон қадрини устувор қиладиган давлат сиёсатининг яққол ифодаси бўлиб, халқаро муносабатлар, барқарор тараққиёт, минтақавий интеграция, иқлим ўзгариши, таълим, фан ва гендер тенглик каби муҳим масалаларга чуқур ёндашуви намоён этди. Айнан таълим масаласида билдирилган ташаббуслар, жумладан, Бутунжаҳон профессионал таълим саммитини Ўзбекистонда ўтказиш таклифи, ўқитувчилар нуфузини оширишга қаратилган ислоҳотлар, мактабгача ва олий таълим қамрови бўйича мисли кўрилмаган ютуқлар, олий таълим муассасалари жамоаси сифатида биз учун ҳам катта масъулият ва руҳлантирувчи чақириқдир.

Миллий тараққиётимиз пойдевори

Президентимиз таъкидлаганидек, инсон қадрини юксалтириш — янги Ўзбекистоннинг энг устувор мақсади. Таълим ва илм-фан соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, бу — бизнинг келажагимизни маърифат билан ёритишга қаратилган улкан саъй-ҳаракатлар. Университетлар, илмий марказлар, олий таълим муассасалари бу жараёнда етакчи бўлиши шарт. Президентимиз нутқи бизга шуни яна бир бор англатдики, илм, таълим ва интеллектуал салоҳият миллий тараққиётимиз пойдеворига айланмоқда.

Мамлакатимизда камбағаллик даражасининг 35 фоиздан 6,6 фоизгача қисқартиришга эришилгани, бу, аввало, таълим ва илм-фан соҳасидаги ўзгаришлар тезлашаётгани, инновацион тармоқлар ҳамда технологик саноат корхоналари барпо этилаётгани, “яшил” энергетика ва транспорт инфратузилмаси модернизация қилинаётгани, кичик бизнес ҳар томонлама ривожлантирилаётгани натижасида миллионлаб иш ўринлари яратилаётгани туфайлидир.

Шу жиҳатдан дунё давлатлари ҳамда нуфузли етакчилар, жумладан, АҚШ Президенти томонидан ҳам юртимиз етакчисига билдирилаётган юксак ишонч ва қўллаб-қувватлаш биз учун ифтихордир. АҚШ билан стратегик ҳамкорлик мустаҳкамланаётгани, “Boeing” каби йирик компаниялар билан амалга оширилаётган шартномалар Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллаётганининг исботи.

Ташқи сиёсатимизда АҚШ ва Европа мамлакатлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурияти кўп жиҳатдан муҳим ҳисобланади. Халқаро ташкилотларга қўшилиш, глобал интеграция жараёнларида бу муносабатлар зарур. АҚШ билан йирик битимлар ва шартномалар имзоланганидан кейин АҚШ Президентининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича махсус вакили Сержио Гор давлатимиз раҳбарига, энди сизда исталган вақтда Оқ уй офисига тўғридан-тўғри мурожаат йўли очиқ. Ўзаро манфаатларга оид барча масалалар ҳал этилади. Биз сизнинг барча қарорларингизни қўллаб-қувватлаймиз, деб айтган фикрлари Ўзбекистоннинг АҚШ билан яқин муносабатини акс эттиради.

Халқ ҳаётидаги бурилиш нуқталари

Ўзбекистон Президентининг ташриф якунида АҚШдаги ватандошлар ва “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиатлари билан учрашуви истиқболли ислоҳотларнинг самараси ва амалий натижасининг намоёни, десак, муболаға эмас. Учрашувда кўзи ёниб турган ёшлар ва ватандошларимизнинг фаол иштироки давлат сиёсатининг инсон капиталини ривожлантиришга қаратилгани бежиз эмаслигини кўрсатди.

Ҳар бир тараққиётга чанқоқ халқнинг ҳаётида шундай бурилиш нуқталари бўлади: у елкасида янги масъулият, қалбида янги орзу ва ботинан жаҳон билан тенг мулоқотга тайёр эканини бутун оламга билдириш пайти келади. Президентимиз БМТ минбаридан туриб айтган ҳар бир сўз — Ўзбекистоннинг миллий қараши, глобал воқеликка таъсир қила оладиган юксак сиёсий ирода ва инсонпарварлик ғоясининг ифодаси.

Бундай даъват биз, илм-фан ва таълим соҳасида хизмат қилаётганлар учун илҳом манбаи ва улкан бурчни англатади. Чунки келажак — таълимга асосланган жамиятда, келажак — инсон қадрини улуғлаган давлатда!

Биз, Ўзбекистоннинг олий таълим ва илмий жамоатчилиги, Президентимиз етакчилигида олиб борилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаган ҳолда барча куч ва салоҳиятимизни тинчлик, тараққиёт ва маърифат сари сафарбар этамиз. Чунки биз, янги Ўзбекистоннинг келажагини илм билан ёритадиган авлодни тарбияламоқдамиз.

Баҳодир ШЕРМУҲАММАДОВ,
Фарғона давлат университети ректори.

Ўзбекистон ва Палау ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

ДАВЛАТИМИЗ ҲАМЖИҲАТЛИК, ОЧИҚ МУЛОҚОТ ВА ЯҚИН ШЕРИКЛИК ТАРАФДОРИ

Марказий Осиё халқаро муносабатларда алоҳида субъектга айланмоқда

Сардор РАҲИМОВ, университет магистранти, «Шарқшунос таҳлилчилар» клуби раҳбари:



— Бугун дунёда шиддатли ўзгаришлар юз бериб, турли минтақаларда қуролли низолар, қарама-қаршилик, давлатлар ўртасида ўзаро ишонч ва дипломатия инқирози кучайиб бормоқда. Натижада хавотирли геосиёсий воқеликлар вужудга келмоқда, глобал тинчлик ва хавфсизликни ҳамжиҳатлик асосида таъминлаш вазифаси устувор ўринга чиқмоқда. Бундай шароитда Марказий Осиё минтақасида аҳил қўшничилик, тинчлик, барқарорлик ва биродарлик муҳити ҳукм сураётгани эътиборга молик. Бу шак-шубҳасиз, Ўзбекистоннинг оқилона ташқи сиёсати маҳсулидир.

Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 80-сессиясида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, минтақада ёпиқ чегаралар, ҳал этилмаган баҳс ва низолар даври тарихда қолди, бугунги кунда янги Марказий Осиёни шакллантириш жараёни бошланган. Зеро, дунёнинг ҳеч бир минтақасида ҳозирги пайтга келиб “Марказий Осиё +” каби ўндан ортиқ мулоқот платформалари ташкил этилмаган. Ушбу форматлар жаҳон ҳамжамияти Марказий Осиёни низо ва зиддиятлар майдони эмас, балки тинчлик ва фаровонлик макони сифатида тасаввур қилаётганининг ёрқин исботидир. Президентимиз таъбири билан айтганда, минтақамиз ўзининг ҳамжиҳатлиги, барқарорлиги, ўзига хослиги билан халқаро муносабатлар тизимида алоҳида субъект сифатида тобора мустаҳкам ўрин эгалламоқда.

Шу боис давлатимиз раҳбари Бош Ассамблеянинг Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий шериклик ва иқтисодий интеграцияни чуқурлаштиришга қаратилган ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга доир резолюциясини қабул қилиш ташаббусини илгари сурди. Шунингдек, афғон халқининг тинч ва осуда ҳаётга бўлган интилишини қўллаб-қувватлаш учун халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш зарурлигига эътибор қаратиб, бу давлатнинг яккаланиб қолишига йўл қўймаслик ўта муҳимдир, деб таъкидлади. Ўзбекистон Афғонистонда катта иқтисодий ва инфратузилма лойиҳаларини амалга ошираётганини ҳисобга олиб, ушбу мамлакат орқали халқаро транспорт ва энергетика коридорларини ривожлантириш бўйича БМТнинг алоҳида резолюциясини қабул қилиш таклифи билдирилди.

Умуман, Ўзбекистон Президентининг ташаббуслари нафақат дунё аҳлини ўзаро ҳамжиҳатлик, очиқ мулоқот ва ҳамкорликка чорлайди, балки бу жараёнларда Марказий Осиё минтақасини намуна сифатида кўрсатишга даъват қилади. Бу даъват умумбашарий мақсадларни рўёбга чиқариш йўлидаги эзгу ва хайрли ташаббусларни ўзида мужассам этгани билан алоҳида ажралиб туради.

Иқлим дипломатиясига оид янгича ёндашув

Озодбек МИРЗОЕВ, университет талабаси:



— Сўнгги йилларда глобал иқлим ўзгариши, табиат муҳофазаси ва экологик барқарорлик масалалари БМТ платформаларида асосий аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон ҳам ушбу жараёнларда фаол қатнашиб, ўз ташаббуслари ҳамда кенг қамровли лойиҳаларини БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан бирга амалга оширмоқда.

Ўзбекистон БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари доирасида 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурларини ишлаб чиққан. БМТ Тараққиёт дастури ва бошқа агентликлар билан ҳамкорликда “Just Energy Transition” “йўл хариталари” тузилмоқда. Ўзбекистон барча даражада халқаро форумларда, жумладан, БМТ Бош Ассамблеяси, иқлим конференциялари ва минтақавий экоташаббуслар доирасида “яшил” ривожланиш, “яшил” иқтисодиёт, қулай иқлим, сув ресурсларини бошқариш, биологик хилмахилликни сақлаш каби масалаларни илгари суриб келмоқда.

Президентимиз Бош Ассамблеянинг 80-сессиясидаги нутқида ушбу масала бўйича алоҳида тўхталиб, “Экологик ўзгаришларнинг яна бир салбий кўриниши — иқлим миграциясининг кучайиб бораётганидир. Афсуски, ушбу йўналишда аниқ халқаро механизмлар ва ҳуқуқий база ҳанузгача яратилмаган. Биз бу жиддий масалада кенг халқаро шериклик ва мувофиқлаштирилган сиёсат юритиш бўйича Глобал пакт қабул қилиш тарафдоримиз”, дея таъкидлади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг БМТдаги дипломатиясига оид ёндашуви нафақат минтақавий, балки глобал экологик муаммоларни ҳал этишга қаратилган. “Яшил” энергетика соҳасидаги ташаббуслар мамлакатнинг барқарор ривожланиш стратегиясига мос келади ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлайди. Ушбу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилиб, Ўзбекистон экологик хавфсизлик, “яшил” энергетика ва барқарор ривожланиш йўлида қатъий интилмоқда.

Амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва экологик ислоҳотлар нафақат мамлакат келажагини, балки Марказий Осиё минтақасининг барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

«Икки халқ ва икки давлат» — тинчликпарвар прагматик ташаббус

Одамбой ЙЎЛДОШЕВ, университет талабаси:



— Фаластин масаласи бугун халқаро ҳамжамият кун тартибининг энг долзарб ва ҳал қилинмаган муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Шу туфайли, ушбу масала жаҳон ҳамжамиятининг эътибор марказида турибди. Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 80-сессиясидаги нутқида Fазо секторидаги вазият бўйича Ўзбекистоннинг позициясини аниқ-равшан айтиб ўтди. Жумладан, ҳарбий ҳаракатларни дарҳол тўхтатиш ва сиёсий музокараларни давом эттиришга чақириқ, айниқса, БМТ резолюцияларига мувофиқ “икки халқ ва икки давлат” тамойилига содиқликка даъват Ўзбекистон тинчликпарвар сиёсатининг ёрқин ифодасидир.

Ўзбекистоннинг Яқин Шарқ муаммоси бўйича илгари сураётган ташаббуслари амалий хусусият касб этаётганини эътироф қилиш жоиз. Жумладан, 2023 йил октябрь ойида Fазо ҳудудида уруш яна авж олган пайтда давлатимиз раҳбари БМТнинг Фаластин қочқинлари учун ёрдам агентлигига 1,5 млн. АҚШ доллари ажратиш ҳақида Фармон имзолади. Ушбу маблағ Ғазодаги аҳолига озиқ-овқат, тиббий ёрдам ва бошқа зарур хизматларни етказиб беришда муҳим аҳамият касб этди.

2024 йилда бўлиб ўтган Араб-Ислом саммитида Президентимиз Фаластин халқининг 1967 йилдаги чегаралар доирасида, пойтахти Шарқий Қуддус бўлган мустақил ва озод давлат тузишга тўла ҳақли эканлигини алоҳида қайд этди. Бундан ташқари, Ўзбекистон БМТ орқали Фаластин қочқинларига ёрдам дастурларини мунтазам қўллаб-қувватлаб, халқаро ҳамкорликни кенгайтириб бормоқда. Шу муносабат билан, Fазо секторининг Рафаҳ ҳудудидан 100 нафар фаластинлик Ўзбекистонга олиб келиниб, уларга ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Бу тинчликпарварлик, инсонийликнинг олий кўринишидир.

Умуман, Ўзбекистоннинг Фаластин бўйича позицияси фақат анъанавий дипломатик баёнотлар билан чекланмай, балки амалий чоралар орқали ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Ёшлар масаласи Президент эътиборида

Асқар ОДИЛБЕКОВ, университет талабаси:



— Бугунги глобаллашув даврида ёшлар масаласи халқаро кун тартибининг ажралмас қисмига айланмоқда. Аҳолисининг қарийб 60 фоизини ёшлар ташкил қилувчи Ўзбекистон учун эса мазкур масала долзарб аҳамият касб этади.

Шу боис давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 80-сессиясидаги нутқида айнан ёшлар бўйича бир қатор муҳим таклиф ва ташаббусларни илгари сурганига гувоҳ бўлдик. Хусусан, Президентимизнинг “Жаҳон ёшларининг тинчлик сари ҳаракати”га асос солиш ва унинг бош қароргоҳини Ўзбекистонда жойлаштириш таклифи юқоридаги фикримиз тасдиғидир. Мазкур ҳаракат келгусида ёшларни тинчлик, ҳамжиҳатлик ва инсонпарварлик руҳида бирлаштиришга қаратилган глобал платформа бўлиши мумкин.

Шунингдек, жорий йилнинг 27-28 октябрь кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган БМТнинг маориф, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ташкилоти — ЮНЕСКОнинг Ёшлар форуми ҳам навқирон авлод олдида турган масалаларни муҳокама қилиш учун муҳим халқаро майдон бўлишини таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистон раҳбарининг ёшлар масалалари бўйича билдирган таклиф ва ташаббуслари халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилаётгани мамлакатимизда олиб борилаётган ёшларга оид давлат сиёсатига берилган юксак баҳодир.

Ўзбекистоннинг гендер тенглик сиёсати БМТ мақсадлари билан ҳамоҳанг

Сабина ЛАТИПОВА, университет талабаси:



— Юртимиз аёллари барча жабҳаларда ўз ўрни ва муносиб мавқеига эга бўлиб бормоқда. Буни бир қатор мисолларда кўриш мумкин. Чунончи, Ўзбекистон тарихида илк маротаба парламентда хотин-қизлар сони БМТ томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етиб, миллий парламентимиз аёл депутатлар ва сенаторлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламент ўртасида 37-поғонага кўтарилди. Шунингдек, бошқарув лавозимидаги хотин-қизлар улуши 27 фоизга, сиёсий партияларда — 44, олий таълим тизимида — 40, тадбиркорлик соҳасида эса 35 фоизга етди.

Бу эса сўнгги йилларда гендер тенгликни таъминлаш, аёлларнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги ролини ошириш борасидаги тизимли ишлар самарасидир. Бинобарин, парламентда аёллар сони кескин ортди. Олти нафар хотин-қиз туман ҳокими вазифасига тайинланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари Саида Мирзиёеванинг ташаббуси билан БМТнинг “UN Women” тузилмаси Ўзбекистонда фаолият бошлади. Танзила Норбоева эса мамлакат Сенати Раиси сифатида БМТда Ўзбекистоннинг гендер сиёсати бўйича халқаро ҳисоботини тақдим этган илк аёл раҳбар бўлди. Бу дегани Ўзбекистонда гендер тенглиги борасидаги ҳаракатлар нафақат сиёсий қарорлар, балки фаол, билимли ва масъулиятли хотин-қизлар орқали амалга ошмоқда.

Ўзбекистон Президенти БМТ Бош Ассамблеясининг 80-сессиясидаги нутқида ушбу масалага алоҳида тўхталиб, мамлакатимизда мазкур соҳада амалга оширилаётган ва режалаштирилган ишларни мухтасар баён этди. “Яна бир муҳим йўналиш — гендер сиёсати. Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти ва тадбиркорлик соҳасида хотин-қизларнинг ролини бундан буён ҳам мустаҳкамлашни мақсад қилганмиз. Кенг минтақамиз миқёсида эса Осиё хотин-қизлар форумини доимий платформага айлантириб, мунтазам ўтказиб бориш тарафдоримиз”, деди давлатимиз раҳбари.

Бу Ўзбекистоннинг гендер тенгликни таъминлаш йўлидаги туб ислоҳотларни қатъий давом эттириш тарафдори эканининг яққол исботидир.

Фазлиддин АБИЛОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.

АНДИЖОН ТОМОНЛАРДА

Болалар саломатлиги — устувор вазифа

Андижонда ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалар фарзандлари учун республика клиникаларининг тажрибали мутахассислари иштирокида бепул чуқурлаштирилган тиббий кўрик ва мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказилди. Оғир ташхисли бемор болалар даволанди, зарур дори-дармон воситалари бепул тақдим этилди.



Икки кун давомида 700 нафардан зиёд болалар тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилиб, улардан 28 нафарида мураккаб жарроҳлик амалиёти муваффақиятли бажарилди.

— Бемор болани бир жойдан иккинчи жойга олиб боришнинг ўзи қийин, — дейди Фаридахон Умрзоқова. — Пойтахтга олиб борсак ҳам, навбат кутишга тўғри келарди. Бу эса касалликнинг кучайишига сабаб бўларди. Тажрибали мутахассисларнинг Андижонга келиши мушкулимизни осон қилди. Ўғлимнинг оёғида ортопедик нуқсон бор эди. Жарроҳлик амалиёти муваффақиятли ўтди.

Экспорт салоҳияти янада ошади

Балиқчи туманидаги мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослаштирилган “Андижон ўзбегим” масъулияти чекланган жамиятида янги тармоқ ишга туширилди. Бу орқали корхона бир йилда 60 минг тонна мева ва сабзавотни қайта ишлаш имкониятига эга бўлди.



Италиянинг “Manzini” компанияси замонавий технологиялари асосида янги тармоқда томат пастаси, мева пюреси, шунингдек, турли шарбатлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Эътиборли жиҳати, корхона 2010 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда ва ҳозирги кунда маҳаллий бозор билан бирга экспорт салоҳиятини ҳам ошириш имкониятига эга бўлди.

Саминжон ҲУСАНОВ («Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
BANK-MOLIYA AKADEMIYASI

Қадрли устозлар ва азиз мураббийлар!

Сиз азизларни Банк-молия академияси жамоаси номидан 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан самимий муборакбод этамиз!

Бугунги ислоҳотлар натижасида илм ва маърифат бахш этувчи, ёш авлод қалбига эзгулик, ҳалоллик ва инсонпарварлик туйғуларини сингдирувчи устоз ва мураббийларга жамият тараққиётининг асосий суянчиғи сифатида қараляпти.

Шу боис жонажон юртимизда таълим ва илм-фан соҳасига, жумладан, устоз ва мураббийларнинг меҳнатига юксак эътибор қаратилмоқда. Инсон капиталига йўналтирилаётган кенг ислоҳотлар жараёнида Сизнинг фидокорона хизматларингиз беқиёс аҳамият касб этади.

Бугун янги Ўзбекистонда таълим ва илм-фанга қаратилган юксак эътибор, устоз ва мураббийларнинг жамият тараққиётидаги ўрнини янада юксалтирмоқда. Мамлакатимизда олий таълим қамрови кенгайиб, янги ўқув муассасалари барпо этилмоқда, илмли ва ташаббускор ёшлар етишиб чиқмоқда. Бу жараёнларда устозлар меҳнати, сабри ва фидойилиги беқиёсдир.

Сизнинг меҳнатингиз туфайли янги авлод мутахассислари ватанпарвар, билимли ва ташаббускор кадрлар сифатида вояга етиб, юртимиз равнақи йўлида хизмат қилмоқда.

Шу улуғ байрам арафасида сизларга мустаҳкам соғлиқ, тинч ҳамда фаровон ҳаёт, педагогик фаолиятингизда янги зафарлар ва юксак муваффақиятлар тилаймиз.

Юксак эътибор ва самимий миннатдорлик билан

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси жамоаси.

O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi

TOSHKENT TO‘QIMACHILIK VA YENGIL SANOAT INSTITUTI

vakant (bo‘sh) professor-o‘qituvchilar lavozimiga tanlov e’lon qiladi

1. Mexanika muhandisligi — professor;
2. To‘qimachilik matolari texnologiyasi — professor;
3. Charm va poyabzal muhandisligi — dotsent;
4. Ipak va yigirish texnologiyasi — professor, dotsent;
5. Tikuv buyumlari texnologiyasi va raqamli injiniring — kafedra mudiri, professor, dotsent;
6. Kimyo va matbaa muhandisligi — professor, dotsent, assistent;
7. Oliy matematika va kompyuter grafikasi — dotsent;
8. Qo‘shma ta’lim dasturlarini muvofiqlashtiruvchi bo‘limi Parij xalqaro moda akademiyasi (Fransiya AICP) — katta o‘qituvchi.

Tanlovda ishtirok etishni xohlovchilar rektor nomiga ariza bilan kadrlarni hisobga olish bo‘yicha shaxsiy varaqa, diplomlar va attestatlar nusxalari, ilmiy ishlar va ixtirolar ro‘yxati, malaka oshirganlik to‘g‘risida hujjatlar nusxalarini topshiradi.

Arizalar e’lon chiqqan kundan boshlab bir oy muddatda qabul qilinadi.

Eslatma: mazkur institutda ishlovchi shaxslar o‘tgan muddat bo‘yicha kafedrada hisobot beradi, tanlovda ishtirok etuvchilar sinov darslari o‘tkazadi.

Manzil: Toshkent shahri, Yakkasaroy tumani, Shohjahon ko‘chasi, 5-uy, 1-bino, 208-xona. Tel:. 71-253-17-78.

Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти Францияда ўтказилаётган «IFTM Top Resa» кўргазмасида тақдим этилмоқда.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2025 йил 27 сентябрь

ДАВР ВА ДЎППИ ТАЛҚИНИДА

Ифтихор

Давронларнинг даврони келди,
Элнинг марди майдони келди.
Фахр учун, ифтихор учун
Ўзбекларнинг замони келди.

Уч минг йиллик қутлуғ анъана,
Давлат қурмоқ буюк тантана.
Дўстлар “ёрон-ёрон”и келди,
Дўппи киймоқ замони келди.

Юртим — буюк зотлар макони,
Ҳар даврнинг бор ўз аҳкоми.
Ҳар сарпонинг вақт-соатию
Мавқеи бор ва ўз мақоми.

Бу шунчаки бош кийим эмас,
Мато эмас ё буюм эмас.
Халқнинг орзу-армонлари ҳам
Матонати бунда мужассам.

“Ўзбегим” деб ҳазрат Навоий
Сўз айтмаган шундоқ ҳавоий.
Куйламишлар завқланиб, хуррам
Ўзбекий тўн, қалпоғини ҳам.

Ўзи қайдан келгандир бу сўз?
Қадим элдан келгандир бу сўз.
Дўппи — миллий маданиятдир,
Маърифатдир, маънавиятдир.

Шеъриятда шундоқ тартиб бу,
Бир тазмин бу, бу бир татаббу.
Дўппи учун Муҳаммад Юсуф
Кўп ғам чекмиш ва кўп таассуф.

Шоир дўстим олдидаги қарз,
Мен учун ҳам қарз эрур, ҳам фарз.
Боболарнинг армони келди,
Дўппи киймоқ замони келди.

Ўз давримга бағишловдир бу,
Шу баҳона бир йўқловдир бу.
“Салла” деса, дарров каллани
Олган қаттол замонлар қани?

Халқим, тирик ўлпонларинг бор —
Авлоний ҳам Чўлпонларинг бор.
Қодирийни қаро ер қучмиш,
Бош ҳам учмиш, дўппи ҳам учмиш.

Маъмуржону Комилжонларинг
Санъат учун фидо жонларинг —
Дўппи кийиб ўтмиш бир умр,
Куйлаб куйиб ўтмиш бир умр.

Наво чекди Шерали ҳофиз,
Дўпписини қўймади ҳаргиз.
Инсон бўлмоқ имкони келди,
Дўппи киймоқ замони келди.

Мен бир деҳқон боласи эдим,
Онамнинг гул-лоласи эдим.
Умрим ўтди пахтазорларда,
Рўзғордаги оҳу зорларда.

У пайкаллар аро ҳозир ҳам
Таъқиб этар мени бир алам.
Унда элнинг нолишлари бор,
Онамнинг ҳам калишлари бор.

Саводимни тикламоқ учун
Бердим не-не йилларнинг кучин.
Балки соҳибкалом бўлардим,
Мен ҳам Ғафур Ғулом бўлардим.

Англамоқ-чун Миртемирни мен,
Эгатларда минг умрни мен
Сарфладиму ўзни емирдим,
Кесак билан кўсак кемирдим.

Демангки, бу кўҳна ақида,
Гап кетмоқда дўппи ҳақида!
Бу маҳдудлик таҳдиди эмас,
Ё эскилик сарқити эмас.

Пахтакорлар, буюк даҳолар,
Дўппи кийиб райис боболар —
Илк теримдан, сўнг теримгача
Забт этганлар Кремлгача.

Косалари оқармайин лек,
Ўлимга ҳам боргандирлар тек.
Ёғди қанча маломат тоши,
Тошдан экан бу халқнинг боши.

Устоз Эркин Воҳидов айтган
Қайга борса ифтихор этган —
Энг камтарин, хокисор инсон
Дўппи кийган ҳазрати деҳқон.

Қанча сувлар оқиб ўтдилар,
Эллар бир-бир боқиб ўтдилар.
Халқнинг шараф ҳам шони келди,
Ўзбекларнинг замони келди.

Олам ўзи икки дарвоза,
Бири — ҳовли, бири — ҳавоза.



Сирожиддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

Озодбекнинг дўппи кийгани
Мамлакатда бўлди овоза.

Ўзи ректор, камтар, зиёли,
Академик, бургут нигоҳли,
Домла Шуҳрат Сирожиддинов
Дўппи кийган замон тимсоли.

Дерки, қутлуғ ҳар ниятда гап,
Аввал таълим-тарбиятда гап.
Бош муҳимми, дўппи муҳимми,
Ўйламаган мулло Муқимий.

Юрган эдим беташвиш, беғам,
Дўппи кийиб чиқдим ўзим ҳам.
Бир ҳолатлар бўлди билгулик,
Етти элда достон қилгулик.

Дўппи ҳақда гап тўхтамайди,
Шарқ тўхтамас, Ғарб тўхтамайди.
Бунинг буюк ҳикмати бордир,
Дўппи — миллий ғурурдир, ордир.

Кечагина бир робот бола,
Интернетда қилди ҳавола.
Не истасанг интил, ет, эмиш,
Бола сунъий интеллект эмиш.

Бошда дўппи — ўзгиналари,
Бир ўзбекча сўзгиналари.
Дона-дона айлабон калом,
Ер юзига йўллади салом.

Кўрдим олам англайганини,
Ғолиб келиб яйраганингни.

Дўппиларинг, байроғинг билан
Ватан бўлиб янграганингни.

Америка Президенти
Бизнинг Президентга деди:
Кўз тегмасин футболингизга,
Камол берсин камолингизга.

Бу сиёсат фалсафасидир,
Сизнинг давлат ғалабасидир.
Яна бир бор дилдан, чин дилдан
Табриклайман ғалаба билан.

Тинчликпарвар эллар ёнида,
Миллатларнинг Бош қўрғонида,
Олий шонли айвонларинг бор,
Ўз номингда маконларинг бор.

Ҳар ишда бир муваффақият,
Сенга хосдир музаффарият.
Оламгирлик сенга муносиб,
Давринг келмиш, насиб ё насиб!

Янги-янги сарполарга мос
Янги шаҳру кентларинг қиёс.
Элнинг ному нишони келди,
Ўзбекистон замони келди.

Ерга қўйиб дўппингни ҳозир,
Ўйлай десанг тинч, бехавотир —
Замон бир зум бермагай қарор,
Замон тезкор, замон шиддаткор.

Ҳолбуки бор ҳасби ҳол буки,
Чархи фалак — оламнинг бўрки.
Она замин шайланаверар,
Дўппидай гир айланаверар.

Чамандагул дўппидай само,
Ҳимоядир бизга ҳам Ҳумо.
Шу элларга айлагил карам,
Паноҳингда асрагил, Эгам!

Она юртим, онажон диёр,
Сен бахтга ёр, мен ҳам бахтиёр.
Зафарларинг барқарор бўлсин,
Майдонларинг дўппизор бўлсин!

Шиквам йўқдир давру замонга,
Энди қай юрт, қайси маконда —
Бирор ўзбек ғалаба қилса,
Мен дўппимни отгум осмонга!

РЕКЛАМА

Жонажон Ўзбекистонимизнинг барча таълим тизими фидойиларини
1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан самимий қутлаймиз!







Сизларнинг меҳнатингиз, заҳматли касб йўлидаги жасоратингиз келажак авлодни тарбиялашда, юртимизни янада юксалтиришда муҳим роль ўйнайди. Зеро, билим ва тарбиянинг ижобий маҳсулигина жамиятни энг юқори чўққиларга олиб чиқади. Муаллимнинг ҳар бир сўзи, ҳар бир сабоғи янги имкониятларга эшик очади ва ёш авлодни замонавий дунё билан ҳамнафас бўлишига хизмат қилади. Билимга чанқоқ, нурли келажакка интилувчи ёшларга илм-маърифат, одобу ахлоқдан сабоқ беришингиз сизнинг шахсингиз қанчалик улуғвор эканлигидан далолатдир.



Бугунги кунда сизнинг меҳнатингиз нафақат билим бериш, балки кишилик жамиятида энг эзгу ва юксак инсоний фазилатларни шакллантиришга йўналтирилгани билан ҳам бебаҳодир. Чунки сизнинг касбий маҳоратингиз, меҳрингиз ва фидойилигингиз туфайли бутун инсоният жаҳолатдан маърифатга юз бурди.
Сизнинг ҳар бир сабоғингиз — бу янги кун ва янги илмдир! Шу боис ҳам ўқитувчи ва мураббийлик — бу нафақат касб, балки юксак бир санъатдир!
Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, шахсий ҳаётларингизда омад ва зафарлар тилаймиз!

Бухоро давлат педагогика институти жамоаси.

ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА

ВАБО 3 МИНГДАН ЗИЁД ОДАМЛАРНИНГ УМРИГА ЗОМИН БЎЛДИ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг хабарига кўра, Суданда вабо билан касалланиш ҳолатлари кескин кўпайган.

Бактериал инфекция 2023 йил июль ойида Кассала штатидан бошланган бўлиб, ҳозирда вабо уруш гирдобидаги мамлакатнинг барча 18 та штатига тарқалган. Хусусан, Дарфурда 12 739 та касалланиш ҳолати ва 358 та ўлим қайд этилди.

Эслатиб ўтамиз, 2023 йил апрель ойида Хартумда Судан армияси ва тезкор қўллаб-қувватлаш кучлари ўртасида тўқнашув бошланган ва бутун мамлакатга ёйилган эди. БМТ маълумотларига кўра, фуқаролар уруши камида 40 минг одамнинг ҳаётига зомин бўлган, 12 миллионга яқини эса кўчишга мажбур бўлди. Судан бўйлаб миллионлаб одамлар очарчилик ёқасига келиб қолган.

ЁШ МУТАХАССИСЛАР УЧУН ЯНГИ ВИЗА ЖОРИЙ ҚИЛИНМОҚДА

Хитой Давлат кенгаши томонидан қабул қилинган қарорга кўра, 1 октябрдан бошлаб илм-фан ва технологиялар соҳасидаги ёш хорижий мутахассисларга мўлжалланган янги “К” тоифадаги виза кучга киради.

Янги виза халқаро алмашинув ва ҳамкорлик имкониятларини кенгайтиришга қаратилган. Унинг эгалари мавжуд 12 турдаги визаларга нисбатан кенг қамровли имтиёзларга эга бўлади. “К” визаси эгалари таълим, маданий ва илмий-техник алмашинув дастурларида иштирок этиши, шунингдек, Хитой ҳудудида тадбиркорлик ва ишбилармонлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин бўлади. Белгиланган ёш, таълим ва касбий мезонлардан ташқари, виза олиш учун хитойлик иш берувчи ёки ташкилотнинг таклифномаси талаб қилинмайди. Бу эса ариза топшириш жараёнини анча осонлаштиради.

ИНДОНЕЗИЯ ПОЙТАХТИ КЎЧИРИЛАДИ

Индонезия Президенти маъмурияти раҳбари Муҳаммад Қодарийнинг маълум қилишича, ҳукумат пойтахтни Жакартадан Нусантарага кўчириш жараёнини 2028 йилгача якунлашни мўлжалламоқда.

Таъкидланишича, Индонезия Президенти Прабово Субианто топшириғига кўра, давлат идоралари учун зарур бўлган барча бинолар қурилиши 2028 йилгача тугалланиши лозим. “Бу янги пойтахтнинг ҳақиқатан ҳам давлат ҳокимияти маркази талабларига тўлиқ жавоб беришини таъминлайди”, деди М. Қодарий.

2014 — 2024 йилларда Индонезия Президенти лавозимида ишлаган Жоко Видодо 2019 йилда Индонезия пойтахтини Жакартадан кўчириш ғоясини илгари сурган эди. 2024 йилда Калимантан оролида йирик шаҳар барпо этиш режалаштирилганди. Бу мақсадлар учун қарийб 32 млрд. доллар ажратилган, бироқ коронавирус пандемияси туфайли лойиҳани амалга ошириш тўхтатилган эди. 2022 йил январь ойи ўрталарида давлат раҳбари янги пойтахт Нусантара (таржимаси “архипелаг”) деб аталишини эълон қилди.

ЎЛИМ ЖАЗОСИ ЖИНОЯТЧИЛИКНИ КАМАЙТИРАДИМИ?

Оқ уй расмий сайтида АҚШ Президенти Дональд Трамп томонидан имзоланган Вашингтон (Колумбия округи) ҳудудида ўлим жазоси жорий этилиши ҳақида фармон эълон қилинди. Оқ уй маъмурияти таъкидига кўра, Колумбия округида сўнгги йилларда олиб борилган “юмшоқ сиёсат” жиноятчиликнинг кескин ўсишига олиб келиб, пойтахт аҳолиси ва федерал идоралар фаолиятини хавф остига қўйган. Яъни Вашингтон мамлакатдаги энг хавфли шаҳарлар қаторига кирган ва 2024 йилда бу ерда қотиллик даражаси ҳар 100 минг аҳолига 27,3 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич АҚШ бўйича тўртинчи энг юқори натижа бўлиб, Нью-Йоркдагидан қарийб олти баробар кўп.

“The Guardian” нашрида ёзишларича, Трамп ўлим жазоси қайтарилишини эълон қилар экан, қотиллик содир этган ҳар бир киши бу жазога дуч келишини таъкидлаган.

АҚШ пойтахтида сўнгги қатл 1957 йилда амалга оширилган эди. 1981 йилда Вашингтон шаҳар кенгаши ўлим жазосини бутунлай бекор қилди. Аммо Колумбия округининг махсус мақоми ва федерал ҳукумат назорати сабабли Д. Трамп бу қарорни бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлди.

Эслатиб ўтамиз, бугунги кунда АҚШнинг 50 штатидан 27 тасида ўлим жазоси амал қилади. Олти штатда ўлим жазоси қонуний рухсат этилган бўлса-да, у ерда мораторий амал қилмоқда.

Интернет хабарлари асосида
Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

Бу йилги куз мавсумида 125 миллион туп дарахт ва бута, баҳорда яна 75 миллионтасини экиш режалаштирилган.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 942. 10 804 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Қаршиев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.07 Топширилди — 00.50 1 2 3 4 5 6